

**Т.Ш. Ширинов, А.Э. Бердимуродов
А.А. Раимкулов**

ШАРҚ МУСИҚАСИНИ УЛҒАЙТИРГАН ЮРТ



**T.Sh. Shirinov, A.E. Berdimuradov
A.A. Raimkulov**

THE LAND THAT RAISED ORIENTAL MUSIC

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚАРО
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ**

Т.Ш. Ширинов, А.Э. Бердимуродов
А.А. Раимкулов

ШАРҚ МУСИҚАСИНИ УЛҒАЙТИРГАН ЮРТ

Самарқанд 2009

Ушбу рисолада Самарқанд Шарқнинг энг кўхна маданият ўчоқларидан бири сифатида, ўзининг 2750 йилдан ортиқроқ шаҳар-созлик маданияти тарихи жараёнида қадимий Шарқ мусиқа санъатининг ҳам асосий марказларидан бири бўлиб келганлиги ҳақида ҳикоя қилинган. Рисола санъатшунослар, шу соҳада таълим олаётган талаба ёшлар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, «Шарқ тароналари» -VII халқаро мусиқа фестивали ўтказилиши муносабати билан нашрга тайёрланди.

Муаллифлар:

Тарих фанлари доктори, профессор Т.Ш. Ширинов,
тарих фанлари номзоди А.Э. Бердимуродов,
тарих фанлари номзоди А.А. Раимкулов

Бош муҳаррир:

М.Қ.Қодиров

Такризчи:

т.ф.н., доц. Б.Т.Эргашев

Масъул муҳаррир:

С.Тоҳиров

ISBN

978-9943-357-05-1

**INSTITUT OF ARCHAEOLOGY,
ACADEMY OF SCIENCES OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**SAMARKAND STATE UNIVERSITY
MINISTRY OF HIGH AND SECONDARY
SPECIAL EDUCATION OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**INTERNATIONAL INSTITUTE
FOR CENTRAL ASIAN STUDIES**

T.Sh. Shirinov, A.E. Berdimuradov
A.A. Raimkulov

THE LAND THAT RAISED ORIENTAL MUSIC

Samarkand 2009

In this article Samarkand is described as one of the centers of the most ancient culture of East, during its more than 2750 year city building cultural history it was the center of ancient Eastern music culture too. The article is devoted to specialists of culture students who studies on this sphere and widely public readers and was prepared on the honor of “Sharkh Taronalari” VII international music festive which is being held.

Authors:

doctor of history, professor T.Sh. Shirinov,
doctor of history A.E. Berdimurodov,
doctor of history A.A. Raimkhulov

Editor in chef:

M. Kh. Khadirov

Testimonial:

doctor of history, B.T. Ergashev

Editor:

S. Takhirov

ISBN

978-9943-357-05-1

**ИНСТИТУТ АРХЕОЛОГИИ
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ МИНИСТЕРСТВА ВЫСШЕГО
И СРЕДНЕ СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ИНСТИТУТ
ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ**

**Т.Ш. Ширинов, А.Э. Бердимуратов
А.А. Раимкулов**

ЗЕМЛЯ ВЗРАСТИВШАЯ МУЗЫКУ ВОСТОКА

Самарканд 2009

В монографии подчеркивается, что Самарканд, будучи одним из древнейших культурных очагов Востока, на протяжении своей 2750-летней истории градостроительства являлся также одним из основных центров восточного музыкального искусства. В доказательство авторы приводят многочисленные факты, основанные на исторических источниках, летописях и археологических находках. Монография предназначена для искусствоведов, студентов, обучающихся в этой области, широкого круга читателей.

Авторы:

Доктор исторических наук, профессор Т.Ш. Ширинов,
кандидат исторических наук А.Э. Бердимуродов,
кандидат исторических наук А.А. Раимкулов

Главный редактор:

М. Кодиров.

Рецензент:

к.ф.н., доц. Б. Эргашев

Ответственный редактор:

С. Тохиров

ISBN

978-9943-357-05-1

«Шарқ мусиқаси — Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг узвий бир қисмидир. Шарқ мусиқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя буюк»

Ислон Каримов
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

«Eastern melody - Eastern philosophy is an inseparable part of the Eastern world. Eastern melody has a great part in world cultural heritage»

President
of Republic of Uzbekistan
Islam Karimov

«Музыка Востока — философия Востока, это неотъемлемая часть Восточного мира. Очень велика роль Восточной музыки в мировом культурном наследии»

Президент
Республики Узбекистан
Ислам Каримов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИИГ ҚАРОРИ

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Шарқ мамлакатлари халқлари миллий мусиқа ва кўшиқчилик санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, миллий мусиқа анъаналарини авайлаб-асраш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбида санъатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтириш, гўзалликни, чин инсоний қадриятларни тараннум этиш, шунингдек, халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси, «Ўзтелерадио» ва Бастакорлар уюшмаси ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимлигининг «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки:

фестивал ҳар икки йилда бир марта Самарқанд шаҳрида, биринчиси эса 1997 йилнинг 25 августидан 2 сентябрига қадар ўтказилади:

фестиваллар оралиғидаги тайёргарлик ишларини мувофиқлаштиришни Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги амалга оширади.

2. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ташкилий қўмитаси таркиби, фестивални ўтказиш тартиби ҳақидаги низом, фестивалнинг сарф-харажатлари сметаси тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирлари режасини;

фестивал бош дирекцияси тузилмаси ва штатлар жадвалини;

фестивал дастурини ишлаб чиқиш, тасдиқласин ҳамда хомий-

лар рўйхатини аниқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, Самарқанд вилоят ҳокимлиги ва ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси билан биргаликда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ЮНЕСКОнинг халқаро маданият тадбирлари режасига киритиш масаласини белгиланган тартибда ҳал қилсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлигига пойтахтда тўхтаб ўтадиган фестивал қатнашчиларини кутиб олиш, жойлаштириш ва жўнатишни ташкил этиш топширилсин.

6. Самарқанд вилояти ҳокимлиги:

фестивал бош дирекциясининг фаолиятини таъминлаш тадбирларини кўрсин;

1997 йил 1 августгача фестивал тадбирлари ўтказиладиган саҳна майдонлари ва залларни тайёрласин;

шаҳарда тегишли ободончилик ишларини амалга оширсин.

7. «Ўзбектуризм» миллий компанияси:

фестивал қатнашчилари ва меҳмонлари учун бош дирекция буюртмасига мувофиқ меҳмонхоналардан жой ажратсин;

хорижий қатнашчилар ва меҳмонлардан яшаш ҳақини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган нархларда сўмларда қабул қилсин.

8. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компанияси фестивал қатнашчилари ва меҳмонларини бош дирекция буюртмасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тариф асосида сўм ҳисобида авиа ва темирйўл чипталари билан таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси хорижий иштирокчилар ва уларнинг юқларини божхона, виза ва аэропорт тўловларидан озод этсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги фестивал ўтадиган жойларда хавфсизликни таъминласин.

11. «Маҳаллий саноат» корпорацияси ва «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси фестивалга бағишданган совға буюмлари чиқаришни йўлга қўйсинлар, фестивалда иштирок этувчи мамлакатларнинг

давлат байроқларини тайёрлаб берсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатларнинг республика бюджетидан ва ҳомийлар ҳисобидан 70:30 нисбатда қопланишини назарда тутган ҳолда маблағ ажратсин ҳамда тегишли маблағларни фестивал бош дирекцияси ҳисобига ўтказиб берсин.

Белгилаб қўйилсинки, фестивал иштирокчиларининг келиб-кетиши билан боғлиқ транспорт харажатлари 50 фоиздан 100 фоизгача қопланади.

Ҳомийларнинг фойдадан тўлайдиган солиқ бўйича базаси уларнинг фестивал ҳисобига ўтказадиган маблағи миқдорига монанд қисқартирилиши назарда тутилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Халқаро фестивал эҳтиёжлари учун зарур сўмларни эркин муомаладаги валютага айирбошлашни таъминласин.

14. «Ўзавтотранс» корпорацияси, «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси ва «Ўзбектуризм» миллий компанияси фестивал бош дирекцияси буюртмасига мувофиқ транспорт хизмати кўрсатсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги халқаро фестивал иштирокчиларига тиббий хизмат кўрсатишни таъқил этсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси фестивалга бағишланган реклама нашрларини ўз вақтида чоп этсин.

17. Ўзтелерадиокомпания, ЎЗА ва бошқа оммавий ахборот воситаларига фестивалга тайёргарликнинг боришини ва ўтказилишини мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1997 йил 11 март

**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ
«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ХАЛҚАРО МУСИҚА
ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШ
МАРОСИМИДАГИ ТАБРИК СЎЗИ**

Хонимлар ва жаноблар!
Азиз меҳмонлар ва дўстлар!
Фестивал қатнашчилари!

Энг аввало, «Шарқ тароналари» муסיқа фестивалининг қатнашчиларини гўзал Шарқимизнинг дурдонаси — қадимий ва хамиша навқирон Самарқанд шаҳрида муборакбод этишдан бағоят мамнун эканимни изҳор қилишга ижозат бергайсизлар!

Бугунги муסיқа байрамида иштирок этаётган Япония, Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Миср, Индонезия, Корея Республикаси, Бангладеш, Вьетнам, Таиланд, Малайзия, Иордания, Исроил, Мўғулистон, ўзимизнинг яқин қўшниларимиз Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Озарбайжон вакилларига, Россия, Америка Қўшма Штатлари, Франция, Буюк Британия, Олмония, Австрия, Юнонистон, Мексика, Арманистон, Латвия ижрочи ва санъаткорларига чин қалбимдан миннатдорлик билдириб, уларнинг ҳар бирига ўзбек халқининг саломи ва хурматини етказишдан бениҳоя бахтиёрман!

Фестивалимизнинг фаҳрий меҳмонлари — ЮНЕСКО вакилларини, Халқаро муסיқа кенгаши раҳбариятини ва бошқа азиз меҳмонларимизни қизгин табриклаймиз ва «Самарқанд тупроғига хуш келибсиз!», деб чин кўнгилдан қутлаймиз.

Мухтарам дўстлар!

«Шарқ тароналари» муסיқа фестивали Ўзбекистонда, айти Самарқанд заминида ўтаётгани бежиз эмас. Самарқанд ҳақли равишда дунё цивилизациясининг бешикларидан бири ҳисобланади.

Бу ерга Амир Темур, Имом Бухорий, Хожа Аҳрор Валий, Улуғбек, Қозизода Румий, Шарафиддин Али Яздий, Давлатшоҳ Самарқандий, Клавихо, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Вамбери, Абдураззоқ Самарқандий каби ўнлаб ва юзлаб буюк инсонларнинг қадамлари теккан.

Не-не буюк давлат арбоблари, санъаткорлар ва ижодкорлар бу шаҳри азимни зиёрат қилган.

Самарқандни азал-азалдан турли халқ вакиллари ва маданиятлари учрашган манзил бўлган, деб айтсак асло хато булмас.

Азиз дўстлар!

Шарқ мусиқаси — Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг узвий бир қисмидир. Шарқ мусиқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя буюк.

Сиз меҳмон бўлиб турган қадимий Самарқанд музейларидан бирида археологларимиз топган ғоят ноёб, тилла буюмлардан ҳам қимматлироқ мусиқий асбоб — беш минг йиллик най авайлаб асралмоқда. Уни кўрган инсон беихтиёр Шарқ мусиқаси тарихини ўйлайди.

Бу мусиқа минг-минг йиллардан бери одамлар дилини поклаб, уларни руҳан юксалтириб келмоқда.

Ўзининг нозик жозибаси билан дунё маданиятига озуқа бериб, умумбашарий кадриятларга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Хонимлар ва жаноблар!

Қадимий Самарқандга, буюк воқеалар шоҳиди бўлмиш Регистон майдонига Сизларни эзгу бир ният билан таклиф этдик.

Ишонаманки, Сизларнинг гўзал санъатингиз Шарқимиз мусиқа дурдоналарини бутун дунёга яна бир бор намоиш қилади.

Ишонаманки, бу фестивал ҳар бир одамни меҳру шафқатли, меҳру оқибатли бўлишга даъват этади, ер юзида барқарорлик ва аҳиллик табиатини уйғотади.

Ишонаманки, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали халқларимиз маданиятларини ўзаро бойитади, миллатимиз ва динимиздан қатъи назар, халқларимизни ва инсонларимизни бир-бирига яқинлаштиради.

Ишонаманки, қадимий Самарқандда очилаётган мусиқа фестивали анъанавий бўлиб қолади ва Шарқ халқлари куй ва оҳанглари янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Хурматли меҳмонлар!

Сизларни ҳеч бир муболағасиз «маданият ва дўстлик элчилари» деб аташ мумкин. «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали очилиши муносабати билан барчангизни Ўзбекистон халқи номидан яна бир бор муборакбод этаман ва ижодларингизга омадлар тилайман.

Азиз томошабинлар! Самарқанд аҳли!

Ҳеч қандай шубҳам йўқки, сиз — биродарлар фестивал ишти-

рокчилари ва меҳмонларига уларни қўллаб-қувватлашда ўзбек халқига муносиб меҳмондўстлик ва бағрикенглик фазилатларини албатта намойиш этасизлар.

Самарқанд шаҳри,
1997 йил 25 август

ШАРҚ МУСИҚАСИНИ УЛҒАЙТИРГАН ЮРТ

«Марказий Осиёнинг юраги» деб аталувчи қадимги Суғд ўлкасининг маркази Самарқанд Шарқнинг энг кўхна маданият ўчоқларидан бири сифатида, ўзининг 2750 йилдан ортиқроқ тарихи жараёнида қадимий Шарқ мусиқа санъатининг ҳам асосий марказларидан бири бўлиб келди. Шунинг учун мухтарам Президентимизнинг таклифига кўра «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг айнан мана шу шаҳарда ўтказилиши бир неча минг йиллик тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқиши, Самарқанддаги қадимий буюк анъаналарнинг қайта жонланиши ва уларнинг юксак чўққиларга кўтарилиши бўлди.

Инсоният тафаккурининг буюк кашфиётларидан бири бўлган мусиқа санъати бизнинг юртимизда ҳам шонли ва қадимий тарихга эга.

Юртимизда мусиқа маданиятининг айнан қайси даврда шаклланганлиги тўла аниқ эмас. Мусиқа маданияти тўғрисида шохидлик берувчи топилмаларнинг энг қадимгиси ҳозирча милоддан аввалги XIII асрга бориб тақалади. Бу топилма Самарқанд вилояти Ургут тумани Мўминобод кишлоғидаги бронза даврига оид қабрдан топилган ҳайвон суягидан ясалган мўъжазгина сивизғи - найдир. Унинг сақланиб қолган узунлиги 4,2 см бўлиб ташқи томони ҳафсала билан силлиқланган, икки томони кўндалангига кесилган, ўртасида ромб шаклида тешик бор.

Шу хилдаги бошқа топилмалар эса Самарқанднинг қадимий ўрни бўлган Афросиёбдан топилган милоддан аввалги I асрларда оид бир нечта уд чалаётган аёл акс этган терракота-хайкалчаларидир. Самарқанднинг қадимий ўрни бўлган Афросиёб ва Панжикент шаҳар харобаларида очиб ўрганилган саройлар, хонадонларнинг деворларида кўплаб мусиқачилар тасвирлари мавжуд.

Улардан бирида арфа чалаётган, ғоятда башанг кийинган аслзода аёл тасвирланган бўлса, бошқа бир суратда мусиқачилар гуруҳи ўз аксини топган. Бу деворий суратлар ниҳоятда жонли, ҳаққоний тарзда берилганлиги улар ўз даврининг машҳур мусавирлари томонидан чизилганлигидан далолат беради.

Тарихдан маълумки, боболаримиз суғдийлар минг йилдан

ортиқроқ вақт давомида қитъалараро Буюк Ипак йўлида тўла ўз ҳукмронликларини ўрнатганлар. Бу йўл орқали суғдийларнинг ҳунармандчилик буюмлари, турли-туман савдо маҳсулотлари, маданияти ва шу билан бирга мусиқа маданияти ҳам Шарқий Туркистон, Хитой, Корея ва ҳатто Япониягача етиб борган. Хитойлик олим Сун Сяннинг ёзишича V асрдан X асргача Самарқандлик суғдийларнинг қўшиқлари, рақслари ва мусиқа асбоблари доимий равишда Хитой императорларининг саройлари, шаҳар ва қишлоқлари кўчалари бўйлаб таралиб турган.

Император ва юқори мансабдорларнинг саройларида Трансоксиана (Ўрта Осиё) ва Шарқий Туркистондан келган мусиқачиларга юксак санъатлари боис юқори даражада ҳурмат кўрсатилган. Япониялик олим Кисибэ Тан империяси саройида фаолият кўрсатган ғарблик, яъни Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонлик ўттиз битта мусиқачининг номини аниқлаган.

Мусиқа билан қўшиқчилик санъати доимий ҳамроҳ бўлган. IX аср охирида Чоч (Тошкент)дан Хитойга борган қўшиқчи қизнинг бекиёс овозидан илҳомланган хитойлик шоир Бо Цзюй-и «Чочлик қўшиқчи қиз» деган шеър ҳам битганлиги тарихдан маълум.

Тан империяси даврида 727 йилда Кешдан, 729 йилда Маймурғдан, 713 ва 727 йилларда Самарқанддан Хитойга ёш йигит ва қиз раққосалар борганлар. Улар қирмизи кўйлак, қизил замшдан ковуш кийишиб рақс ижро этганлар. Раққосаларнинг чиқишлари махсус саҳналаштирилган ва рақслар асосан икки турга бўлинган – биринчиси тур рақслар шоирона нозик, гавда ва қўл бармоқларига алоҳида эътибор бериладиган ҳаракатлар орқали нафис ижро этилса, иккинчи тур рақслар эса шўх-шодон, шиддатли ва акробатик усулларда ижро этилган. Уларнинг рақслари тўғрисида хитойлик шоирлар Бо Цзюй-и ва Юань Чженлар «Шамолдек чарх ураётган ғарблик қизлар» деган шеър ҳам битганлар. Бу қизлардан хитойлик маликалар Ян ва Рокшанлар суғдий рақсларнинг бир неча ижро усулларини ўрганганлар.

Хитой йилномаларида келтирилган бундай маълумотларнинг тўғрилигини бу ўлкада олиб борилган археологик тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Шимолий Хитойда олиб борилган археологик қазिशмалар даврида VI – VII асрларга оид бадавлат суғдий аслзоданинг қабри топилган бўлиб, бу қабрдан чиққан мрамар тоштах-



Айртом фриزلари. II-III асрлар. Музыка ансамбли

Airtam relief. II-III AD

Фриз из Айртама. Музыкальный ансамбль. II-III вв. н.э.



Айртом фриزلари II-III асрлар. Арфа чалаётган аёл

Airtam relief. II-III AD. Female playing harp.

Фриз из Айртама. Женица, играющая на арфе. II-III вв. н.э.

танинг юқори қисмида суғдий аслзода ва унинг хотини хизматкорлари куршовида базм уюштираётганлиги саҳнаси, пастки планда эса Хитойга бориб ўзларининг санъатларини намойиш этаётган суғдлар мусиқа ансамбли тасвирланган. Ансамблда ўнтача машшоқ иштирок этган. Улардан бир нечтаси уд, иккитаси най, иккитаси бир қўли билан ушлаб иккинчи қўли билан уриб чалинадиган ноғорасимон асбоб ушлаб олган. Битта созанда эса арфа чалапти. Созандаларнинг ўртасида эса раққос. Раққоснинг ҳаракатидан, аниқроғи қўлларининг тепага қаратиб тик ҳолатда ушлаб туришидан унинг силтаниб рақсга тушаётганлигини англаш мумкин. Бундай рақсга тушиш кўпроқ эркаклар учун хослигини ҳисобга олсак, бу ерда эркак раққос тасвирланганлиги ҳақиқатга яқинроқ.

Шарқий Туркистон, Хитой, Узоқ Шарққа ўзининг ноёб мусиқа маданиятини доимий равишда «экспорт» қилиб бу мамлакатларнинг мусиқа, қўшиқчилик ва рақс санъатининг ривожига катта таъсир кўрсатган Суғдиёна, Бактрия-Тохаристон, Чоч, Уструшона, Хоразм ва Фарғонада ҳам антик ва илк ўрта асрларда мусиқа маданияти юқори даражада бўлганлигини бу воҳаларда олиб борилган археологик тадқиқотлар тобора кенгроқ ва чуқурроқ намоён этмоқда.

Хоразм воҳасининг ўзига хос мусиқа маданияти Марказий Осиё мусиқа маданиятида асрлар давомида алоҳида ўрин эгаллаб келган ва бу қадимий анъана ҳозирги кунларгача ҳам давом этиб келмоқда. Бу воҳада қадимданок юксак даражада ривожланган шаҳарсозлик маданияти, меъморчилик, кулолчилик, амалий ва бадий санъат, ўз ўрнида маданиятнинг бошқа бир йўналиши – мусиқа санъатининг ривожланишига ва кенг тарқалишига замин яратган. Бизга маълумки, бу воҳада Тупроққалъа, Қўй-қирилганқалъа, Аёзқалъа, Беркутқалъа каби жаҳон аҳамиятига молик археологик ёдгорликлар мавжуд. Бу ёдгорликларда олиб борилган археологик тадқиқотлар қадим аждодларимизнинг бетакрор маданий меросини ўрганиш баробарида улар томонидан яратилган ноёб мусиқа маданияти ҳақида ҳам ҳикоя қилувчи ўнлаб осори атиқаларнинг топилишига асос бўлди.

Марказий Осиё меъморчилик тарихининг ноёб археологик обидаси - Қўй-қирилган-қалъанинг қандай вазифани бажарганли-

ги хусусидаги тортишувлар ҳануз давом этмоқда. Бир гуруҳ олимлар уни ибодатхона десалар, иккинчи гуруҳ олимлар эса унинг марказий хонаси расадхона бўлган деган фикрдалар, учинчи гуруҳ олимлари эса бу сарой харобалари деган фикрни илгари сурадилар. Шуниси эътиборга сазоворки, бу иншоот қандай вазифани бажарганлигидан қатъий назар, бу ерда умргузаронлик қилган аждодларимиз, ҳоҳ улар қохинлар бўлсинлар, ҳоҳ мунажжимлар, ҳоҳ сарой аъёнлари бўлсинлар, мусиқага ошно бўлганлар. Чунки бу ердан топилган осори атиқалар шундан далолат беради.

Бу ёдгорликдан бешта мусиқачининг терракота – ҳайкалчаси топилган. Улардан бири тик ҳолатда рубобсимон чолғу чалаётган мусиқачи ҳайкалчасидир. Мусиқа асбоби удга ўхшамайди, узунчоқ олти бурчакли резонатор (қорин)ли шаклга эга. Мусиқачининг бўйига киёсланса бу чолғунинг узунлиги 1 метр атрофида бўлган.

Иккинчи мусиқачи эса удсимон, икки торли чолғу чалапти. Учинчи мусиқачи ўтирган ҳолатда тасвирланган. Унинг қўлида ҳам удсимон асбоб. Тўртинчи ва бешинчи мусиқачилар ҳам икки торли чолғу чалаптилар. Бу топилмалар милoddан аввалги IV-III асрларга оид.

Бу ёдгорликдан топилган бошқа бир топилма – сопол парчасидаги бўртма расмда арфа чалаётган аёл тасвирланган. Яна бир бўртма суратда кифара (беш торли мусиқа асбоб бўлиб у ҳозирги замон гитаралари ва чангларига яқин турган) чалаётган мусиқачи тасвирланган. Бу топилма ҳам милoddан аввалги IV-III асрларга оид.

Хоразм воҳасининг пойтахт шаҳри харобалари бўлган Тупроккальа ёдгорлигидаги сарой хоналаридан биридан мусиқачилар ансамбли тасвирланган деворий суратлар топилган. Суратда барабан, уд ва арфа чалаётган мусиқачилар гуруҳи тасвирланган. Бу деворий суратлар милодий III - IV асрларга оид.

Ўлкамизнинг яна бир мусиқа марказларидан бири – бу Фарғона водийси. Бу воҳа ҳам қадимдан ўзининг мусиқа маданиятига, ўзига хос қадимий мусиқа анъаналарига эга бўлган ва бу жараён ҳануз давом этмоқда. Бу ерда олиб борилган археологик тадқиқотлар давомида қўлга киритилган топилмалар ҳам бунини исботлайдилар. Наманган вилояти Поп тумани худудида жойлаш-



*Уд чалаётган мусикачининг терракота ҳайкалчаси.
Афросиёб. Милодий V–VI асрлар*

Terra cotta figurine representing a musician. Afrasiab. 5-6 AD.

*Терракотовая статуэтка музыканта играющего на лютне.
Афрасиаб V–VI вв. н.э.*



*Шимолй Хитойдан топилган сопол кўзадаги Чоч раққоси тасвири.
Тан сулоласи даври. Милодий VII – VIII асрлар.*

Flask with dancing scene from North China. 7-8 AD

*Керамический сосуд с изображением Чачского танцора из Северного
Китая. Династия Тань VII – VIII вв.*

ган Мунчоқтепада топилган, милондинг V-VI асрларига оид даҳмаларнинг биридан камиш тобутга солиб дафн этилган мусиқачининг жасади топилган. Уни мусиқачи деб таърифлашимизга сабаб, тобут ичига, жасаднинг ёнига махсус ясалган ёғоч ғилофга солинган кўшнаи ва яна битта сурнайсимон мусиқа асбоби ҳам қўйилганлигидир. Кўшнаининг пуфловчи қисмига иккита тил ўрнатилган, чолғунинг узунлиги 17-18 см. Бу асбоб ўзининг ташқи кўриниши, ясаиш техникаси каби хусусиятларига кўра ҳозирги замон кўшнаиларидан деярли фарқ қилмайди. Бу ҳолат кўшнаи ясаиш техникаси бундан бир ярим минг йил аввал ҳам мукамал даражада бўлганлигини, ҳамisha янгиликка интилувчи кейинги авлодлар ҳам уни ўзгартиришга ҳаракат қилмаганликларидан билиш мумкин. Чолғу асбобларидаги бу ўхшашлик яна бир ойдин ҳақиқатни очиб берадики, бизнинг олис боболаримизнинг мусиқага, мусиқа оҳангларига бўлган мойилликлари, дидлари бизнинг ҳозирги авлодга жуда яқин бўлган. Бу найлардан ҳозирги биз тинглайдиган куйларга ҳамоҳанг оҳанглари таралган бўлса ҳам ажаб эмас. Бу тобутдан топилган сурнайсимон асбобнинг узунлиги эса 35 см. Бизнингча, тобутга дафн этилган машшоқ ўз замонида ҳар иккала пуфлаб чалинадиган чолғуларни чалишда жуда моҳир бўлган.

Фарғона водийсининг Шўрабошот ёдгорлигидан ҳам найнинг бир қисми топилган бўлиб у милондан аввалги IV-II асрларга оид.

Ўрта Осиёнинг яна бир тарихий вилояти Уструшона ҳудудида ҳам мусиқа тарихига оид топилмалар қўлга киритилган. Уструшонанинг марказий шаҳри харобалари бўлмиш Шаҳристон ёдгорлигида очилган илк ўрта асрларга оид сарой хоналаридан бирининг деворида мусиқачилар тасвирланган. Бошқа бир ёдгорлик - илк ўрта асрларга оид маҳобатли қаср харобалари бўлган Чилхужрадан камишдан ва ёнғоқ ёғочидан ясалган иккита найнинг парчалари топилган.

Ҳозирги Сурхондарё вилояти, шимолий Афғонистон ва жанубий Тожикистон ҳудудларини ўз ичига олган қадимги Бактрия - Тохаристон ҳам Марказий Осиёнинг юксак маданиятга эришган ўлкаларидан биридир. Амударё бўйида жойлашган Айртон ёдгорлигидан топилган милондинг I – II асрларига оид фриз (сарой хоналари девори ва шифтнинг туташган жойига ишланган нақшли

йўл)да уд, арфа ва барабан чалаётган аёллардан ташкил топган ансамбл тасвирланган.

Илк ўрта асрларда умумшарқ мусиқа маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган яна бир сиймо борки – бу Борбаддир. Фаолияти деярли афсонага айланиб кетган бу тарихий шахс VI асрнинг 80-йилларининг охирида Сосонийлар давлатининг энг гуллаб яшнаган йирик шаҳарларидан бири Марвда таваллуд топган. Хуросоннинг шимолида жойлашган Марв Ўрта Осиёга яқин масофада бўлганлиги учун ҳам бу ўлкаларда яшаган халкларнинг мусиқа маданияти бир-бирларидан деярли фарқ қилмаган. Шунинг учун Борбад нафақат Эрон, балки Ўрта Осиё халқлари мусиқа маданияти ривожига улкан таъсир кўрсатган даҳодир. Борбад ўзининг мусиқачилик, юксак даражадаги кўшиқ ижролари ва мусиқий-илмий фаолиятини асосан Сосонийлар шоҳаншоҳи Хусрав II Парвиз саройида ўтказган. Яқин ва Ўрта Шарқнинг XIV-XVII асрларда чизилган миниатюраларида Борбад ҳамиша ўз ҳомийси Хусрав Парвиз ёнида тасвирланган. Сосонийлар сулоласининг ёрқин подшоҳларидан бўлган Хусрав Парвизнинг Борбадга бўлган ғамхўрлиги, саройида унга яратилган чексиз имкониятлар албатта Борбаднинг юксак даражада мусиқий асрлар яратишига асос бўлганлиги шубҳасиздир. Борбаднинг мусиқачи-созанда, юксак даражадаги кўшиқчилик фаолиятига Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» достонларида катта ўрин берилган.

VIII асрда Ўрта Осиёнинг араблар томонидан истило қилиниши бу ўлка халқларининг, айниқса суғдийларнинг асрлар давомида яратилган оламшумул маданиятига, бадиий ва амалий санъатига ва шу жумладан мусиқа санъатига ҳам каттиқ зарба берди. Асосан сиёсий ҳукмронликка даъво қилган араб истилочилари суғдийларнинг ёзув маданиятини, тилини ва динини тамоман йўқ қилган бўлсаларда, оддий халқ ичида кенг тарқалган мусиқа маданияти тамоман йўқолиб кетмади. Иккинчи томондан Ўрта Осиё халқларининг арабларга қарши олиб борган ва қарийб юз йил давом этган курашлари ниҳоя топиб бу ўлкада бошланган тинчлик шароитида, умумий давлатлар ва ягона дин остида бирлашган Ўрта Осиё, Эрон ва Олд Осиё халқларининг мусиқа маданиятлари бир-бирларига яқинлашди. Мисол тариқасида, қадимдан Ўрта



Пана найини чалаётган Марсий. Тахти-Сангин. Милоддан авв. II аср.

Marisas playing double flute. 2 BC.

Тахти-Сангин. Марсий, играющий на флейте Пана. II в до н.э.



*Шимолй Хитойдан топилган муסיқачилар тасвирланган
мармар тоштахта. Милодий V–VI асрлар*

Stone relief from North China with representation of musicians. V–VI AD.

*Мраморная плита с изображением музыкантов из Северного Китая.
V–VI вв. н.э.*

Осиё ва Эрон ўлкалари учун хос бўлган уд чолғу асбоби Олд Осиё, Шимолий Африка ва ҳатто Испания (Андалузия)гача тарқалганини келтириш мумкин.

Мовароуннахрда IX-XI асрларни қамраб олган ва оламшумул чўққига чиққан ренессанс даври фан ва маданиятнинг кўплаб соҳаларини қамраб олгани ҳолда инсоний маданиятнинг катта бир жабҳаси - мусиқа маданиятни ҳам четлаб ўтмаган. Мусиқа маданиятининг илмий муаммолари билан Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, ал Хоразмий каби буюк энциклопедист олимлар ҳам жиддий шуғулланганлар ва бу маданиятнинг алоҳида фан сифатидаги илмий, фалсафий, умуминсоний хусусиятларини, Мовароуннахр халқларининг минглаб йиллик бой мусиқий меросини таҳлил қилганлар.

Шуниси эътиборга лойиқки, Абу Наср Форобий ўзининг «Катта мусиқа китоби» (Китаб ал-мусиқи ал-кабир) асарининг кириш қисмида антик давр юнон мусиқа назариясида кўплаб ноаниқликлар мавжудлиги, муаммоларнинг тўлиқ ечилмаганлиги унинг мана шу йирик илмий асарини ёзишига сабаб бўлганлигини айтади. Айрим шарқшунос олимларнинг эътироф этишларича, Форобий мусиқа асбоблари тўғрисидаги фаннинг асосчисидир. Чунки унинг «Катта мусиқа китоби»дан кейинги китоби «Мусиқа асбоблари тўғрисида» деб номланган. Китобнинг бундай номлашининг ўзиёқ Форобий яшаган даврда ўнлаб хилдаги мусиқа асбоблари мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Форобийнинг ушбу фундаментал асарлари фақатгина бу улғ даҳонинг юксак ижодий-илмий тафаккури маҳсули бўлиб қолмасдан, бу асарларнинг замирида Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ халқлари орасида минг йилдан ортиқроқ вақт давомида тўпланган мусиқий маданият, мусиқий билим, амалиёт ва ранг-баранг ижро усуллари ётади.

Юқорида тилга олинган қадимий ва илк ўрта асрларга оид археологик осори атиқаларни яна бир марта ёдга олганимизда улар орасида уд чолғу асбобига кенгроқ ўрин берилганлигини кузатамиз. Форобий яшаган даврдан минг йиллар муқаддам пайдо бўлган ва бу пайтга келиб мукамаллик даражасига етган уд чолғусига бу қадар эътибор беришларига сабаб шуки, Форобий ҳам, бошқа мусиқа назарийчилари ҳам мусиқа назариясининг

асосларини яратишда асосан удга, унинг имкониятларига, товушларига, уд ҳамроҳлигида ижро этиладиган кўшиқларга суянганлар.

Уд тўғрисида кенг ва батафсил таърифни илк марта бобокалонимиз Абу Наср Форобий ўзининг «Катта мусиқа китоби» (Китаб ал-мусиқи ал-кабир) асарининг махсус бобида берган. Файласуф ушбу асбобнинг жуда кенг тарқалганлиги тўғрисида тўхталиб, унинг тузилиши, товушлар қаторини таҳлил қилган. Лекин Форобий таърифлаган уд чолғусининг суратлари бизнинг кунларгача етиб келмаган. Бу даврда уд кенг, ноксимон қоринли, калта бўйинли, орқага хиёл қайрилган томонида торларни тортилиши учун икки қатор қозикчалар бўлган. Аввал улар тўрт торли бўлганлар. Чунки Афросиёбдан топилган терракота ҳайкалчаларнинг қўлларида ҳам тўрт торли уд тасвирланган. Ал Киндийнинг маълумотига қараганда IX асрдан бошлаб удга бешинчи тор тортилган. Уд торлари аввал ипакдан, IX асрдан бошлаб эса ҳайвон ичагидан тайёрланган. Бизгача Бағдодда XIII асрда яшаган мусиқа назариётчиси Сафи ад-Диннинг «Ритмик доиралар тўғрисида китоб» (Китоб ал-алвар) асарида берилган уд тасвири етиб келган. Ундан ташқари Берлин музейида сақланаётган X асрга оид кумуш медальонда уд чалаётган Бағдод ҳалифаси тасвири бор. Худди шу музейда XI асрга оид кумуш ликопча ҳам сақланади ва унга ҳам уд чалаётган шахзода тасвири туширилган. Бу тасвирларда акс эттирилган удлар ўзларининг кўринишлари ва тузилишлари билан ҳозирги замон удларидан деярли фарқ қилмайдилар.

Уд - барча мусиқа асбобларининг подшосидир, товушининг ёқимлилиги, диапазонининг кенглиги билан торли чолғуларнинг энг аълосидир – деб ёзган эди XVII асрда Бухорода яшаган мусиқа назариётчиси Дарвеш Али Чангий.

Бу ноёб мусиқа асбоби тўғрисида ривоятлар, ибратли ҳикоятлар ва маталлар ҳам тўқилган. Шу ўринда уд билан боғлиқ қадимий бир бир ривоятни келтириб ўтсак. «Қадимда бир подшоҳ ўзининг саройи аъёнларини, юртнинг казо-казоларини тўплаб катта базм уюштирибди. Базмга бир мусиқачини ҳам таклиф этишибди. Юпун кийинган созанда тўғри келиб подшоҳнинг ёнидан жой олибди. Юпун кийинган созанданинг ўзини бундай тутиши ўзларининг давлат ҳокимиятидаги лавозимларига қараб жойлари-



Музыкачилар. Вархуман саройи Шимолий деворидаги сурат парчаси.
 Асл ҳолати ва реконструкция чизмаси. Афросиёб. Милодий VII аср.
 Fragment of the wall painting from the Hall of Reception.
 Original view and reconstruction. Afrasiab. 7 AD.
 Музыканты. Фрагмент настенной росписи Северной стены дворца
 Вархумана. Оригинал и прорисовка. Афрасиаб VII в. н.э.



Музыка асбоблари. Мунчоқтапа. Милодий VI-VII асрлар

Music instruments. Munchak tepa. 6-7 AD.

Музыкальные инструменты. Мунчактепа. VI-VII вв. н.э.

ни эгаллаган мансабдорларга ёқмабди. Лекин уларнинг бирортаси ҳам эътироз билдиришга журъат қилишмабди. Подшоҳнинг ёнига яхшилаб ўрнашиб олган созанда ўзи билан олиб келган удни созлаб, мусиқа чалишни бошлабди. У аввал шунчалик енгил, шунчалик ўйноқи мусиқа чалибдики, ўтирганларнинг кайфиятлари кўтарилиб, қаҳ-қаҳ отиб кулишиб бир-бирларига гал бермай, куй тугагунча ўзларини тўхтата олмай, қора терга ботгунларича узоқ вақт ёппасига рақсга тушишибди. Мусиқа тўхтабди. Ўйнаётганлар каттик чарчашиб жой-жойларига ўтиришибди. Кейин созанда аста-секин иккинчи мусиқани бошлабди. Мусиқа шу қадар маъюс, ғамгин, уд нолалари шу қадар мунгли эканки, куй ўтирганларнинг энг нозик қалб торларини ҳам титратиб юборибди. Ўтирганлар бутун вужудлари сел бўлиб, кўз ёшларини тўхтата олмай, уднинг ноласига чидай олмай, бир-бирларининг елкаларига, кўкракларига ва тиззаларига бошларини кўйиб хўнг-хўнг йиғлашиб кўнгилларини бўшатибдилар. Мусиқа тўхтабди. Йиғлаётганлар қизарган кўзларини, кўз ёшларини артишиб, бир-бирларидан кечирим сўрагандай ўзларини бирмунча йиғиб олишибди. Кейин созанда учинчи мусиқани бошлабди. Катта хона бўйлаб бутунлай бошқача янги наво таралибди. Қандайдир илоҳий, сеҳрли куй аввалги ҳар иккала куйдан тамоман бошқача, ўтирганларни бутунлай бошқа бир оламга бошлаб кетибди. Улар бу дунёнинг ташвишларини, дунёдаги бор қувончу-шодликларини, ғам-андухларини тамоман унутишиб, куйнинг сеҳрига маст бўлишиб, мусиқа тугагунча уйқуга кетишибди. Бир вақт улар уйғонишиб, кўзларини очсалар мусиқачининг ўрни бўш эмиш». Ривоят қилишларича ўша мусиқачи – машшоқ Форобий экан.

Форобийнинг «Мусиқа асбоблари тўғрисида» деб номланган китобидан маълумки, Ўрта Осиёда қадимданок ўнлаб турдаги мусиқа асбобларидан фойдаланилган. Бу мусиқа асбоблари жўрлигида ансамбли ижроси амалга оширилган ва ансамбл ижросида ҳам бошловчилик ролини уд бажарган. Форобий танбур, рубоб ва арфани уд жўрлигига қандай созлаш кераклиги тўғрисида ҳам кўрсатмалар берган. Чолғу асбобларининг турлари, ансамбл ижроси тўғрисидаги тарихий фактларни археологик топилмалар ҳам қувватлайдилар. Мисол тариқасида Амударё бўйида жойлашган Айртом ёдгорлигидан топилган милоднинг I – II асрларига

оид фризда уд, арфа ва барабан чалаётган аёллардан ташкил топган ансамблни, шарқий Суғдада жойлашган Панжакент, Сурхон воҳасидаги Болаликтепа ва қадимги Уструшонанинг марказий шаҳри Шаҳристон ёдгорликларидан топилган деворий суратларда юксак маҳорат билан ишланган ансамбллар тасвирларини келтиришимиз мумкин.

Ўрта асрлар мусиқа маданияти ва илми 1219-1220 йилларда Осиёнинг катта қисми Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар томонидан истило қилиниши билан таназулга учраганлиги шубҳасиздир. Бу юришда Мовароуннахрнинг бир неча ўнлаб йирик шаҳарлари, юзлаб катта-кичик қишлоқлари тамоман вайронага айланди, аҳолининг катта қисми қириб юборилди, минг йиллар давомида шакланган маданият тамоман инқирозга юз тутди. Лекин Чингизхоннинг авлодлар бўлган хонлар ва аслзодаларнинг саройларида мусиқа албатта давом этган, улар ҳам ўзларининг ғалабаларини турлича базмлар уюштириб, созандалар иштирокида нишонлаганлар албатта. Бироқ бу даврнинг мусиқа фаолияти яхлит маданият даражасига кўтарила олмаган.

Мусиқа маданиятининг кейинги қайта жонланиши, қадимий анъаналарнинг рўёбга чиқиши соҳибқирон Амир Темур ва темуррийлар сулоласи даврида юксак босқичларга кўтарилди. Турлича тиллар, турлича анъаналар ва маданиятларнинг умумий давлат чегарасида жамланиши уларнинг ривожланишига, бир-бирларини тўлдириши ва бойитишига замин яратди. Мусиқа санъати Амир Темурнинг пойтахти Самарқандда, Шоҳрух, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобур подшоликлари даврида Ҳирот, Балх, Қобул каби йирик шаҳарларда айниқса ривож топди, мусиқа мактаблари шаклланди. Амир Темур саройида машҳур мусиқачи Хожа Абдулқодир Мароғий (1340-1435) яшаган ва ижод қилган. Мароғий Амир Темурнинг таклифи билан Бағдоддан Самарқандга кўчиб келган. Самарқандда унга мусиқа илми билан чуқур шуғулланишга барча шароит ва имкониятлар яратиб берилган. Шу боис бу истеодли мусиқачи ва мусиқашунос олим узоқ йиллар давомида аввал Амир Темур, кейинроқ эса Мирзо Улуғбек ва Шоҳрух саройларида хизмат қилган ва 200 дан ортиқ асарлар яратган. Бу асарлар жумласига «Чаҳор зарб», «Зарб ал-фатҳ», «Майатайн», «Тасниф-и Хожа Абдулқодир», «Амал-и Тарона», «Амал-и Гули-



Музыкаччилар ансамбли. Панжикент. Милодий VI-VII асрлар.

Group of musicians. Pendjikent. 6-7 AD.

Мужское инструментальное трио. Настенная роспись. Пенджикент. VI-VII вв. н.э.



*Арфа чалаётган
аёл.
Панжикент.
Милодий
VI-VII асрлар.*

*Female playing on a
harp. Penjikent. 6-7
AD.*

*Арфистка.
Настенная роспись.
Пенджикент.
VI-VII вв. н.э.*

стон», «Амал-и Бўстон», «Амал-и Хористон» кабиларни киритиш мумкин. Хожа Абдулқодир Мароғийнинг мусиқа назариясига оид «Гина ва алҳон», «Мақосид ал-алҳон», «Жавомеъ ал-алҳон», «Шарҳ ал-алҳон» каби кўплаб фундаментал илмий асарлари маълум.

Амир Темурнинг набиралари Мирзо Улуғбек, Бойсункур Мирзо, кейинроқ эса темурийлардан Ҳусайн Бойқаро даврларида илм-фан, адабиёт, миниатюра санъати, китобатлик, ҳаттотлик санъати ва бошқа соҳаларга қилинган алоҳида ғамхўрлик нафис мусиқа санъатини ҳам четлаб ўтмади. Мана шу даврда яшаган ва ижод қилган буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий илм-фан, адабиёт ва санъатнинг барча йўналишларининг ривожига улкан таъсир кўрсатди. Замондошларининг ёзишларича Навоийнинг ўзи ҳам мусиқий асарлар яратган.

Мана шу даврда яратилган миниатюра санъати намуналари ҳам мусиқа асбоблари тўғрисидаги тасаввурларимизни бойитишга хизмат қилади. Миниатюраларда мусиқа асбобларидан ҳатто жангу жадалларда ҳам фойдаланилганлигини кўрсатувчи тасвирлар бор. Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод томонидан темурийлар даври тарихчиси Шарафиддин Али Яздийнинг машҳур «Зафарнома» асарига чизилган бир қатор миниатюраларда жанг саҳналари тасвирланган. Уларда жанг майдонида карнай чалаётган карнайчилар тасвирлари бор. Расмларда уч хил карнай тасвирланган: биринчиси кенг оғизли тўғри трубасимон карнай, иккинчиси нисбатан торроқ оғизли тўғри трубасимон карнай, учинчиси эса «S» шаклдаги торроқ оғизли карнай. Шубҳасиз ушбу турли шаклдаги карнайлар турлича овоз чиқарадилар ва ҳар бир турдаги карнайнинг ўзини ҳам бир неча хил оҳангларда чалиш мумкин. Бу карнайлар жанг майдонларида қай мақсадда ишлатилганлар? Агар жанг саҳнаси тасвирланган бир қатор миниатюраларга эътибор қаратсак, улардаги карнайчилар албатта байроқ кўтарган яловбардор ёнида тасвирланганлар. Демак улар жангларнинг марказий бошқарув нуқтасида, яъни қўмондонлар ёнида турганлар. Бизнинг фикримизча бу карнайлар воситасида қўшиннинг ҳаракати бошқарилган. Масалан, кенг оғизли карнай чалинганда отлик қўшин жанга кирган, торроқ оғизли карнай чалинганда эса пиёдалар ҳужумга ўтганлар, «S» шаклдаги карнай эса камондан ўқ узишга

даъват этган ва ҳ.

Камолиддин Бехзоднинг яна бир миниатюрасида шоҳона базм тасвирланган бўлиб унда бир нечта созандани кўриш мумкин. Бошқа бир миниатюрада эса дутор чалаётган ниҳоятда гўзал қанотли пари тасвирланган.

Амир Темур ва темурийлар даврида машҳур «Шошмақом» ва «Дувоздахмақом» каби йирик мусиқий туркумларнинг шаклланиши жараёни бошланди ва бу туркумлар кейинчалик мақомнинг Фарғона-Тошкент, Самарқанд ва Хоразм йўлларининг шаклланишига замин яратди. Шу аснода дунёга келган мақом йўллари мана қарийб олти юз йилдирки мумтоз ўзбек кўшиқчилик ва мусиқа санъатининг шоҳ асарлари сифатида қадрланиб ижро этилмоқда. Мана шу даврда яшаган Зайнулобиддин Ҳусайний «Қонун-и илми ва амали мусиқи» асарини ёзган ва илк маротаба мана шу асарда дутор тўғрисида кенг маълумот берилган.

Темурийлардан кейин Мовароуннаҳрда сиёсий ҳокимиятни эгаллаган Шайбонийлар даврида ҳам мусиқа маданияти ривожланишдан тўхтамади, айниқса Убайдуллахон ва ундан кейинги подшоҳлар даврида бу санъат жуда тараққий қилди. Бу даврда йирик мусиқашунос олим Нажмиддин Кавкабий яшаган ва ижод қилган. Унинг «Рисолайи мусиқи» ва «Рисолайи дар баёни Дувоздахмақом» каби мусиқа илмига оид асарлари бизгача етиб келган. XVI-XVII асрлар чегарасида яна бир йирик мусиқашунос олим Дарвеш Али Чангий яшаган. Унинг «Рисолайи мусиқи» ва «Тухфатус – сурур» асарларида Ўрта Осиёда яшаган ва ижод қилган 350 дан ортиқ мусиқачи, бастакор, созанда ва кўшиқчилар тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган.

Бизга XVI-XVIII асрларда яшаган ва ижод қилган Жаъфар Қонуний, Али Дўст Найий, Ҳофиз Махмуд, Ҳофиз Мирак каби ўнлаб мусиқачиларнинг номлари ва ўзбек мусиқа санъатининг ривожига қўшган бекиёс хиссалари маълум.

XX аср ўзбек мусиқа маданиятининг ва санъатининг шоҳ асри бўлганлиги шубҳасиз. Бу асрнинг охирига келиб Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши, миллий кадриятларнинг тикланиши, миллий меросимизга бўлган ғамхўрлик Президентимиз томонидан давлат сиёсати даражасига кўтарилиши бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек мусиқа санъатининг ривожига бекиёс



*Удсимон мусиқа асбоби тасвири. Деворий сурач парчаси.
Тупрок-қалға. Милодий III-IV асрлар*

*Fragment of wall painting with representation of a instrument with two
strings. Toprak kala. 3-4 AD*

*Лютневидный инструмент. Фрагмент. Настенная роспись.
Топрак-кала. III-IV вв. н.э.*



*Уд чалаётган аёл ҳайкали. Холчаён.
Милоддан авв. I - милодий I асрлар.*

Sculpture of female playing lute. Halchayan. IBC-IAD.

*Скульптура женщины, играющей на лютне.
Халчаян. I в. до н.э. - I в н.э.*



*Хитойга бораётган Ўрта Осиёлик мусиқачилар хайкали.
Милодий V-VII асрлар*

*Central Asian musicians travelling to China.
Terracotta figurine. 5-7 AD.*

*Среднеазиатские музыканты на пути в Китай.
Терракота. V-VII вв. н.э.*



*Арфа чалаётган аёл тасвири. Деворий сурат парчаси.
Тузлук-қалъа. Милодий 3-4 асрлар*

Female playing harp. Toprak kala. 3-4 BC.

Арифистка. Настенная роспись. Топрак-кала. III-IV вв. н.э.

таъсир кўрсатди. Президентимизнинг ташаббусига кўра «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг ташкил этилиши эса қадимий буюк анъаналарнинг қайта жонланиши ва уларнинг юксак чўққиларга кўтарилиши бўлди.

Хурматли ўқувчи, Сиз «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиб ёки уни зангори экран орқали кузатиб дунёнинг ўнлаб давлатларидан келган созандалар қўлида бир-бирларига айнан ўхшаш уд, арфа, най, кўшнайн, ноғора ва бошқа мусиқа асбобларини кўрсангиз ажабланманг. Бу созлар минг йиллар олдин бизнинг ота-боболаримиз ясаган, чалган, асрлар давомида кенг тарқалиб аста-секин умуминсоний мулкка айланган мукаддас мусиқа асбобларимиздир. Улар бир неча асрлар мобайнида дунё кезиб, турлича элатлар ва миллатлар, халқларнинг қалбларига завқ-шавқ, илҳом бериб яна қадим бешиги Самарқандга қайтиб янгича оҳанглар таратаяптилар.

THE LAND THAT RAISED ORIENTAL MUSIC

Samarkand is the center of an ancient Soghd, called “The heart of Central Asia” was the birth place of ancient Eastern culture, and at the same time it was the main center of music. Therefore by the decree of our President about conducting the international music festival “Sharq taronalari” in this city lead to uncovering historical facts of thousand years, awakening great traditions and raising them to heights.

In our country music -one of humanity’s great discoveries- also has a long and colourful history.

It is not clear when exactly music appeared on the territory of our country. The most ancient of discoveries giving evidence to musical culture still belong to XIIIth century BC. This discovery was found in a grave in Muminobod village of Urgut district and it was a pretty flute made of animal’s bone. Its length for today is 4.2sm, polished from the outside, cut across on both sides and had a diamond shape hole. The author of archeological excavations writes that this flute can still be played.

Other things belonging to this kind of findings are terracotta statues of picture of several women playing “ud” (a type of percussion musical instrument like tambourine), found in ancient city of Afrosiab, and they belong to the first century BC. Pictures of a number of musicians were found on the walls of the excavated houses in the ruins of another territory of Sogd – city of Panjikent. One of them depicted an aristocrat woman in luxurious clothes playing the harp, the other- a group of musicians. The way these pictures were drawn show that they were done by prominent artists of those times.

We know from the history that our ancestors -Sogdians occupied the territory along The Great Silk Road for centuries. Through this road, products of Sogdians’ crafts, different goods, culture and music as well reached Eastern Turkistan, China, Korea, and even Japan. According to Chinese scientist Sun Syan, Sogdian songs, dances and the music played on their instruments always could be heard in the palaces, in the city and village streets of the Chinese Emperor.

The musicians from Transoxiana (Central Asia) and Eastern Turkistan were highly respected for their high art abilities in the palaces of the emperor and men of high rank .Japanese scientist Kisibe



Камалиддин Бехзод. Султон Хусайин Мирзо боғда. «Муракқа Гулишан» асарига чизилган миниатюра. 1490 йил.

Kamallidin Bekzod. Sultan Husain Mirzo in the garden. Miniature from the book "Murakka Gulshan".

Камалиддин Бехзод. Султан Хусаин Мирзо в саду. Миниатюра к книге «Муракка Гульшан». 1490 г.



Камалиддин Бехзод. Дутор чалаётган пари. Низомий Ганжавийнинг «Лайли ва Мажнун» достонига чизилган миниатюра.

*Kamallidin Bekzod. Angel playing a "dutor".
Miniature from "Laili and Mejnun" of Nizami Ganjevi.*

*Камалиддин Бехзод. Пери, играющая на дутаре.
Миниатюра к книге Низами Ганджави «Лейли и Маджнун».*

made clear the names of 31 musicians from the west, that's Central Asia and Eastern Turkestan who worked in the palace of Tan empire.

Indeed music always accompanied art or singing. At the end of 9 th century Chinese poet Bo Tsyuy-I wrote a poem named "A singer girl from Choch" inspired by the incomparable voice of the singer girl that came from Choch to China (Tashkent).

During the Tan empire young male- and female -dancers from Kesh in 727, from Maymurg in 729, from Samarkand in 713 and 727 came to China. They performed their dances wearing vermilion dress, red leathered kavish (uzbek national shoes) Epy performances of the dancer were especially put on the stage and particular dances were divided into 2: former one was performed with poetic tender, actions paying attention to the body and fingers, and the latter one was performed merrily, intensively and in acrobatic ways. Chinese poets bought Bo Tsyuy-I and Yuan Chjen wrote poem named as "Western girls rotating as the wind" about the dancers.

Chinese princesses Yan and Rokshans learned several techniques of Sogdian dances from those girls. Archeological researches carried out in this country approve the truthworthy of the information given by Chinese chronicles. The tomb of a rich Sogdian aristocrat belonging to 6-7 centuries BC was found during archeological researches in Northern China. The upper part of the marble tombstone shows the scene of a party, the aristocrat and his wife among their servants and at the bottom of it a Sogdian music ensemble demonstrating their arts in China.

